



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 29 » май

№ПК–198

### **Таркибий ислохотларни амалга оширишда экспертлик кўмаги самарадорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида кенг кўламли таркибий ислохотларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий экспертлар кўмагининг мувофиқлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш **мақсадида**:

1. Давлат органлари ва ташкилотлари **таркибий ислохотларни самарали амалга ошириш** учун малакали хорижий консультант ва экспертларни, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларини ҳамда консалтинг компанияларини (кейинги ўринларда – хорижий консультант ва экспертлар) ўз маблағлари ёки бюджет маблағлари ҳисобидан жалб этиш ҳуқуқига эга эканлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда – буюртмачи ташкилот) томонидан хорижий консультант ва экспертларни жалб этиш жараёнини мувофиқлаштирувчи орган этиб **Стратегик ислохотлар агентлиги** белгилансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) хорижий консультант ва экспертлар улар билан буюртмачи ташкилот ҳамда Стратегик ислохотлар агентлиги ўртасида тузиладиган **уч томонлама шартнома асосида жалб қилинади.** Бунда:

хорижий консультант ва экспертлар билан шартнома **бир йилгача бўлган муддатга тузилади** ва ушбу муддат кейинчалик **узайтирилиши** мумкин;

шартномада хорижий консультант ва экспертлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар (**техник топшириқ** шаклида) ҳамда эришиладиган индивидуал мақсадли кўрсаткичлар (**KPI**) акс эттирилади;

буюртмачи ташкилот ҳар ой хорижий консультант ва экспертлар томонидан амалга оширилган ишлар ва **кўрсатилган хизматлар тўғрисида далолатнома** тузади. Бунда хорижий консультант ва экспертлар томонидан жами амалга оширилган ишлар ва **кўрсатилган хизматлар тўғрисида якуний далолатнома** Стратегик ислоҳотлар агентлиги билан келишилган ҳолда имзоланади;

**б) хорижий консультант ва экспертлар қуйидаги асосий талабларга мувофиқ бўлиши лозим:**

иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқа аҳамиятга эга бўлган йўналишларни **ислоҳ қилиш бўйича билим, малака ва зарур кўникмаларга** эга бўлиши;

нуфузли халқаро ташкилотлар ёки хорижий давлатларнинг илғор корхона ва ташкилотларида **иш тажрибасига эга бўлиши;**

**хорижий тилларни** (инглиз, рус ва бошқалар) зарур даражада билиши.

Бунда буюртмачи ташкилот томонидан хорижий консультант ва экспертларга нисбатан қўшимча талаблар белгиланиши мумкин;

**в) буюртмачи ташкилот томонидан хорижий консультант ва экспертларни жалб қилиш қонунчиликда белгиланган харид қилиш тартиб-таомилларига** мувофиқ амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган асосий йўналишлар бўйича ислоҳотларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–109-сон қарорида белгиланган чора-тадбирлар режасини амалга оширишга жалб қилинаётган хорижий консультант ва экспертлар бундан мустасно;

**г) хорижий консультант ва экспертлар томонидан амалга оширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳар ойда буюртмачи ташкилот томонидан оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва ўзининг расмий веб-сайтида ёритиб борилади,** улар иштирокида жорий масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишнинг мақбул йўллари аниқлаш учун мунтазам равишда **учрашувлар ташкил қилинади** ҳамда **тегишли таклифлар тайёрланади;**

**д) хорижий консультант ва экспертларни давлат фуқаролик хизмати лавозимларига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.**

**4. Стратегик ислоҳотлар агентлиги (Б.Рахматов):**

Ҳисоб палатаси (А.Бобоев) билан биргаликда бир ой муддатда давлат органлари ва ташкилотлари билан хорижий консултант ва экспертлар ўртасида тузилган шартномаларни **қайта кўриб чиқсин**, уларни мазкур қарор талабларига асосан **ўзгартириш (бекор қилиш)** бўйича **таклиф киритсин**;

Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда 2024 йил 1 июлга қадар хорижий консултант ва экспертларнинг **ягона электрон реестрини шакллантирсин** ва унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминласин;

икки ҳафта муддатда хорижий консултант ва экспертлар билан янги тартибда тузиладиган **шартноманинг намунасини** ишлаб чиқсин ҳамда вазирлик ва идораларга тақдим қилсин;

мазкур қарор талаблари юзасидан вазирлик ва идораларга мунтазам равишда **тушунтириш ишларини олиб борсин**.

**5. Таркибий ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун хорижий консултант ва экспертларни жалб қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Бунда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий консултант ва экспертларни жалб этиш **тегишли ташкилотларнинг қоида** ва **талабларига** мувофиқ амалга оширилади.

**6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.**

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш.Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

## Таркибий ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун хорижий консультант ва экспертларни жалб қилиш тартиби тўғрисидаги низом

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ва ташкилотларига таркибий ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун ўз маблағлари ёки бюджет маблағлари ҳисобидан хорижий консультант ва экспертлар, халқаро ташкилотлар, халқаро молиявий институтлар ҳамда консалтинг компанияларни (кейинги ўринларда – хорижий консультант ва экспертлар) жалб этиш, уларнинг фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичларини (KPI) белгилаш ва тизимли мониторингини юритиш тартибини белгилайди.

2. Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат давлат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий консультант ва экспертларни жалб этиш **тегишли ташкилотларнинг қоида ва талабларига** мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**буюртмачи ташкилот** – хорижий консультант ва экспертларни жалб қиладиган ва фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичларини (KPI) ҳамда моддий рағбатлантириш миқдорини белгилайдиган, республика ҳудудида бошқа зарур шарт-шароитларни яратиб берадиган ҳамда улар фаолиятининг узлуксизлигини таъминлайдиган Ўзбекистон Республикасидаги давлат органи ва/ёки ташкилоти;

**далолатнома** – шартнома шартларида белгиланган вазифаларнинг хорижий консультант ва экспертлар томонидан виждонан, ўз вақтида ва сифатли бажарилганлигини тасдиқловчи, хорижий консультант ва эксперт ҳамда буюртмачи ташкилот томонидан имзоланадиган ҳужжат;

**хорижий консультант ва экспертлар** – халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат давлат молия ташкилотлари, етакчи хорижий консалтинг компаниялари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, таҳлил марказлари ва “ақл марказлари” ҳамда замонавий билим ва зарур профессионал тажрибага эга бўлган хорижий давлатлар фуқаролари ва/ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар;

**шартнома** – хорижий консультант ва экспертлар ҳамда буюртмачи ташкилот томонидан мазкур хорижий консультант ва экспертларни жалб қилиш мақсадга мувофиқлиги, компетенцияларига оид талаблар, уларнинг вазифалари, талаб қилинадиган хизматлар рўйхати, кутилаётган натижалар, хизматларни молиялаштириш манбалари ва ҳажми, хизматларни сотиб олишнинг режалаштирилган тартиб-таомиллари ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар таҳлили асосида тайёрланадиган ҳамда хорижий консультант ва экспертлар, буюртмачи ташкилот ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги (кейинги ўринларда – Стратегик ислоҳотлар агентлиги) ўртасида тузиладиган уч томонлама шартнома;

**зарур шарт-шароитлар** – буюртмачи ташкилот томонидан хорижий консультант ва экспертлар билан тузилган шартномада белгиланган муддат давомида уларга кўрсатиладиган тиббий ҳамда транспорт хизматлари, фарзандларининг мактабгача таълим муассасаларида тарбияланиши, умумий ўрта таълим ва/ёки олий таълим муассасасида таҳсил олиши, уй-жой ижараси харажатларининг тўлиқ ёки бир қисми қоплаб берилиши (ижтимоий пакет);

**Стратегик ислоҳотлар агентлиги** – давлат органлари ва ташкилотлари томонидан хорижий консультант ва экспертларни жалб этиш жараёнини мувофиқлаштирувчи орган.

## **2-боб. Хорижий консультант ва экспертларни жалб қилиш тартиби**

**4.** Буюртмачи ташкилот хорижий консультант ва экспертларни тўлиқ ставкада ёки маълум бир лойиҳани бажариш муддатига белгиланган ходимлар сони доирасида ёки қўшимча равишда жалб этади.

**5.** Хорижий консультант ва экспертлар билан тузилган шартнома бир йилгача бўлган муддатга тузилади ва ушбу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин. Бунда шартномада хорижий консультант ва экспертлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар (техник топшириқ шаклида) ҳамда эришиладиган индивидуал мақсадли кўрсаткичлар (KPI) (кейинги ўринларда – KPI) акс эттирилади.

**6.** Буюртмачи ташкилот ҳар ой хорижий консультант ва экспертлар томонидан амалга оширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар тўғрисида далолатнома тузади. Бунда хорижий консультант ва экспертлар томонидан жами амалга оширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар тўғрисида якуний далолатнома Стратегик ислоҳотлар агентлиги билан келишилган ҳолда имзоланади.

**7.** Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ хорижий консултант ва экспертларнинг меҳнатига тўланадиган ҳар ойлик моддий рағбатлантириш тўловларидан белгиланган тартибда ажратмалар ва солиқлар тўлаб борилади.

**8.** Хорижий консултант ва экспертларни моддий рағбатлантириш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш буюртмачи ташкилот томонидан амалга оширилади.

**9.** Хорижий консултант ва экспертларни давлат фуқаролик хизмати лавозимларига тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **3-боб. Хорижий консултант ва экспертларга қўйиладиган талаблар**

**10.** Қўйидагилар хорижий консултант ва экспертларга қўйиладиган асосий талаблар ҳисобланади:

**а) хорижий тилларни** (инглиз, рус ва бошқалар) зарур даражада билиш;

**б) ижтимоий соҳа, иқтисодиёт ва бошқа аҳамиятга эга бўлган йўналишларни ислоҳ қилиш бўйича билим, малака ва зарур кўникмаларга** эга бўлиш;

**в) нүфузли халқаро ташкилотлар ёки хорижий давлатларнинг илғор корхона ва ташкилотларида иш тажрибасига** эга бўлиш.

Буюртмачи ташкилот хорижий консултант ва экспертларга нисбатан қўшимча талаблар ҳам қўйиши мумкин.

### **4-боб. Хорижий консултант ва экспертларни жалб қилиш манбалари ва уларни моддий рағбатлантириш**

**11.** Хорижий консултант ва экспертларни моддий рағбатлантириш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ маблағларни шакллантириш манбалари қўйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари; вазирлик, идора ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари;

бошқа халқаро ташкилот ва халқаро молия институтларининг маблағлари, яъни грантлар ҳамда беғараз техник кўмаклар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

**12.** Хорижий консультант ва экспертлар учун ажратиладиган маблағларнинг даромад ва харажатлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасида очиладиган алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

**13.** Хорижий консультант ва экспертларни лойиҳага жалб қилишнинг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаш учун буюртмачи ташкилот Стратегик ислохотлар агентлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

**а)** буюртмачи ташкилот биринчи раҳбарининг хулосаси;

**б)** таржимаи ҳол (CV–маълумотнома), маълумотнома ва амалиёт портфолиоси;

**в)** дипломлар ва бошқа тегишли сертификатларининг нусхаси;

**г)** ўтган йилларда бажарилган ва амалга оширилаётган лойиҳага тааллуқли ишлар ва лойиҳалар ҳақида маълумот;

**д)** хорижий консультант ва экспертлар жалб этилган лойиҳани амалга ошириш режаси ёки тўлиқ ставкада жалб этилса, ушбу соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар (шу жумладан, кутилаётган натижаларнинг Ўзбекистон Республикасини стратегик ривожлантириш дастурлари ҳамда мақсадларига таъсирининг таҳлили);

**е)** олдинги иш жойи раҳбариятидан ёки лойиҳа ташаббускоридан тавсиянома;

**ж)** буюртмачи ташкилот томонидан хорижий консультант ва экспертларни ишга жалб этиш юзасидан белгиланган тартибда рухсат этилганлиги тўғрисида расмий ҳужжатларнинг нусхалари.

**14.** КРНи белгилаш ва баҳолаш жараёни уч босқичда амалга оширилади ва бунда буюртмачи ташкилот томонидан қуйидагилар инобатга олинади:

**а) 1-босқич.** Кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш:

лойиҳага жалб этилган хорижий консультант ва экспертлар фаолияти ҳар ойлик вазифаларининг аниқ рўйхати ишлаб чиқилади;

тегишли соҳа ёки лойиҳанинг стратегик мақсадларини шартнома амал қилиш муддати давомида ўлчаш мумкин бўлган аниқ кўрсаткичлар (шу жумладан, буюртмачи ташкилот ходимларини “коучинг” қилиш) белгиланади;

белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда стратегик мақсадларга эришиш учун зарур молиявий, техник ва инсон ресурслари ҳисоб-китобларининг (кейинги ўринларда – зарур ресурслар) буюртмачи ташкилот имкониятларига мослиги асослантирилади;

**б) 2-босқич.** Мунтазам кўмак ва мониторинг:

буюртмачи ташкилотнинг биринчи раҳбари томонидан ҳар ой камида бир марта хорижий консультант ва эксперт (ёки унинг вакили) билан юзма-юз суҳбат ўтказиш орқали:

хорижий консультант ва экспертнинг зарур ресурслар билан таъминланганлик ҳолати бўйича мунтазам мониторинг олиб борилади;

1-босқичда белгиланган ойлик вазифаларга ва стратегик мақсадларга кўзда тутилмаган қўшимча ўзгартиришларнинг KPIга таъсири таҳлил қилинади;

бюрократик ёки бошқа сабаблар туфайли юзага келган вазиятлар тезкорлик билан ҳал этилади;

**в) 3-босқич.** Баҳолаш:

хорижий консультант ва экспертлар томонидан 1-босқичда белгиланган вазифалар ва стратегик мақсадларга эришиш бўйича режаларнинг ижроси ҳамда KPIга эришиш ҳисоботи ҳар чорақда тақдим этилади;

ҳисобот буюртмачи ташкилот томонидан аниқ натижаларга таянган ҳолда қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади, яъни самарадорликнинг йиғма кўрсаткичи:

50 фоиздан кам бўлса – қониқарсиз. Бундай ҳолда хорижий консультант ва экспертлар билан тузилган шартнома бекор қилинади;

50 фоиздан 70 фоизгача бўлса – паст даража. Бундай ҳолда хорижий консультант ва экспертлардан кўрсаткичларини яхшилаш учун аниқ режалар талаб қилинади ва бунинг учун уч ой муддат берилади;

70 фоиздан 85 фоизгача бўлса – ўрта даража. Бундай ҳолда хорижий консультант ва экспертларнинг тўлиқ салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур ресурслар қайта кўриб чиқилади;



85 фоиздан 100 фоизгача бўлса – юқори даража. Бунда хорижий консультант ва экспертларни рағбатлантириш учун буюртмачи ташкилот томонидан таклиф киритилиши мумкин.

Буюртмачи ташкилот томонидан ҳар чорақда хорижий консультант ва экспертларни баҳолаш натижалари бўйича ҳисоботни Стратегик ислохотлар агентлигига тақдим этилади. Мазкур ҳисобот хорижий консультант ва экспертнинг шахсий йиғмажилдида умумлаштириб борилади.

**15.** Хорижий консультант ва экспертлар моддий рағбатлантириш миқдори ҳар йили аниқ иш ҳажмига қараб, буюртмачи ташкилот томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

### **5-боб. Буюртмачи ташкилотнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

**16.** Буюртмачи ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хорижий консультант ва экспертларни жалб қилиш;

хорижий консультант ва экспертларни моддий рағбатлантириш миқдорини белгилаш ва уни қайта кўриб чиқиш, мониторинг натижалари бўйича хорижий консультант ва экспертларни лойиҳани амалга оширишга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш;

хорижий консультант ва экспертлар учун аниқ кўрсаткичлар ва мақсадларни, шу жумладан, KPIни белгилаш;

хорижий консультант ва экспертларнинг меҳнат фаолиятини доимий кузатиб бориш.

**17.** Буюртмачи ташкилот қуйидаги мажбуриятларга эга:

шартномада белгиланган қоидаларга риоя этиш;

хорижий консультант ва экспертларга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур ресурслар ва шарт-шароитларни яратиш;

ҳар ойда хорижий консультант ва экспертлар томонидан бажарилган ишлар тўғрисида маълумотларни ягона электрон реестрига киритиш ва уни мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлаш.

**18.** Буюртмачи ташкилот томонидан шартномада белгиланган моддий рағбатлантириш тўловларидан ташқари бошқа ҳар қандай тўловлар амалга оширишга йўл қўйилмайди.

## **6-боб. Хорижий консультант ва экспертларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

- 19.** Хорижий консультант ва экспертлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
ўзларига юкланган вазифаларни бажариш учун буюртмачи ташкилотдан зарур шарт-шароитлар яратиб беришини талаб қилиш;  
ўзларига юкланган вазифаларни бажариш учун буюртмачи ташкилотдан зарур маълумотларни олиш.
- 20.** Хорижий консультант ва экспертлар қуйидаги мажбуриятларга эга:  
шартномада кўзда тутилган барча мажбуриятларни шартнома шартлари ва муддатларига мувофиқ виждонан ва самарали бажариш;  
ҳар ойда буюртмачи ташкилотга ҳисоботларни тақдим этиш;  
шартнома шартларига тўлиқ риоя қилиш.

## **7-боб. Конфиденциаллик**

**21.** Шартноманинг амал қилиш муддати давомида ва у бекор қилинганидан сўнг хорижий консультант ва экспертлар ўз фаолияти давомида олган маълумотларга, шу жумладан, буюртмачи ташкилотдан ёки бошқа идоралардан олган маълумотларга нисбатан конфиденциалликни сақлашга мажбурдир.

Хорижий консультант ва экспертлар тўғридан-тўғри ёки билвосита буюртмачи ташкилот ва Стратегик ислоҳотлар агентлигининг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга бундай маълумотларни ошкор қилишига йўл қўйилмайди.

## **8-боб. Яқунловчи қоидалар**

**22.** Шартнома имзолангандан сўнг хорижий консультант ва экспертлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома олиши лозим.

**23.** Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.





## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 29 » \_\_\_\_\_ мая \_\_\_\_\_

№ПП–198

### **О дополнительных мерах по обеспечению эффективности экспертного содействия при реализации структурных реформ**

В целях обеспечения соответствия и эффективности содействия зарубежных экспертов для своевременной и качественной реализации масштабных структурных реформ на пути достижения целей, определенных в Стратегии «Узбекистан – 2030»:

**1.** Принять к сведению, что государственные органы и организации **для эффективного осуществления структурных реформ** вправе привлекать квалифицированных зарубежных консультантов и экспертов, в том числе международные финансовые институты и зарубежные правительственные финансовые организации и консалтинговые компании (далее – зарубежные консультанты и эксперты), за счет собственных средств или бюджетных средств.

**2.** Определить **Агентство стратегических реформ** координирующим органом процесса привлечения зарубежных консультантов и экспертов государственными органами и организациями (далее – организация-заказчик).

**3.** Установить порядок, в соответствии с которым:

**а)** зарубежные консультанты и эксперты **привлекаются на основе трехстороннего договора**, заключаемого между ними, организацией-заказчиком и Агентством стратегических реформ:

договор с зарубежными консультантами и экспертами заключается **на срок до одного года** с возможностью последующего **продления** этого срока;

в договоре отражаются задачи (в форме **технического задания**) и достигаемые индивидуальные ключевые показатели эффективности деятельности (**KPI**), подлежащие выполнению зарубежными консультантами и экспертами;

ежемесячно организация-заказчик составляет **акт о выполненных** зарубежными консультантами и экспертами **работах и оказанных ими услугах**. При этом **заключительный акт** о всех выполненных зарубежными консультантами и экспертами **работах и оказанных ими услугах** подписывается по согласованию с Агентством стратегических реформ;

**б)** зарубежные консультанты и эксперты должны **соответствовать** следующим **основным требованиям**:

обладание **знаниями, квалификацией и необходимыми навыками** для реформирования экономики, социальной сферы и других значимых направлений;

**наличие опыта работы** в престижных международных организациях или на передовых предприятиях и в организациях зарубежных государств;

**знание иностранных языков** (английского, русского и других) на необходимом уровне.

При этом организацией-заказчиком могут быть установлены дополнительные требования к зарубежным консультантам и экспертам;

**в)** привлечение зарубежных консультантов и экспертов организацией-заказчиком осуществляется в соответствии с **процедурами закупок**, установленными законодательством, за исключением зарубежных консультантов и экспертов, привлекаемых для реализации плана мер, определенного в постановлении Президента Республики Узбекистан от 4 марта 2024 года № ПП–109 «О приоритетных мерах по реализации в 2024 году реформ по основным направлениям, определенным в Стратегии «Узбекистан – 2030»;

**г)** организацией-заказчиком **ежемесячно** в средствах массовой информации, социальных сетях и на своем **официальном веб-сайте** освещаются выполненные зарубежными консультантами и экспертами работы и оказанные ими услуги, **организуются** регулярные **встречи** с их участием для обсуждения текущих вопросов и определения оптимальных путей их решения, а также **готовятся соответствующие предложения**;

**д)** назначение зарубежных консультантов и экспертов на должности государственной гражданской службы и их освобождение от должности осуществляются в соответствии с законодательством **о государственной гражданской службе**.

**4. Агентству стратегических реформ (Рахматов Б.):**

совместно со Счетной палатой (Бобоев А.) в месячный срок **пересмотреть** договоры, заключенные между государственными органами, организациями, зарубежными консультантами и экспертами, **внести предложение по их изменению (расторжению)** согласно требованиям настоящего постановления;

совместно с Министерством цифровых технологий (Шерматов Ш.) в срок до 1 июля 2024 года **сформировать единый электронный реестр** зарубежных консультантов и экспертов и обеспечить его регулярное обновление;

в двухнедельный срок разработать **типовой договор**, заключаемый с зарубежными консультантами и экспертами в новом порядке, и представить его в министерства и ведомства;

регулярно **проводить работы по разъяснению** министерствам и ведомствам требований настоящего постановления.

**5. Утвердить Положение о порядке привлечения зарубежных консультантов и экспертов для эффективной реализации структурных реформ** согласно приложению.

При этом привлечение зарубежных консультантов и экспертов для реализации проектов с участием международных финансовых институтов и зарубежных правительственных финансовых организаций осуществляется в соответствии с **правилами и требованиями соответствующих организаций**.

**6. Контроль за исполнением** настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н. и советника Президента Республики Узбекистан Мавлонова Б.М.

**Президент  
Республики Узбекистан**



**Ш.Мирзиёев**

город Ташкент

**Положение**  
**о порядке привлечения зарубежных консультантов**  
**и экспертов для эффективной реализации структурных реформ**

**Глава 1. Общие положения**

**1.** Настоящее Положение определяет порядок привлечения в государственные органы и организации Республики Узбекистан зарубежных консультантов и экспертов, международных организаций, международных финансовых институтов и консалтинговых компаний (далее – зарубежные консультанты и эксперты) за счет собственных или бюджетных средств, установления и систематического контроля ключевых показателей эффективности их деятельности (KPI) для эффективной реализации структурных реформ.

**2.** Привлечение зарубежных консультантов и экспертов для реализации проектов с участием международных финансовых институтов и зарубежных правительственных финансовых организаций осуществляется в соответствии с правилами и требованиями соответствующих организаций.

**3.** В настоящем Положении используются следующие основные понятия:

**организация-заказчик** – государственный орган и/или организация Республики Узбекистан, привлекающий(ая) зарубежных консультантов и экспертов, определяющий(ая) их ключевые показатели эффективности деятельности (KPI) и размер финансового стимулирования, создающий(ая) иные необходимые условия на территории республики, и обеспечивающий(ая) непрерывность их деятельности;

**акт** – документ, подписываемый зарубежным консультантом и экспертом и организацией-заказчиком, подтверждающий, что задачи, указанные в условиях договора, выполнены зарубежными консультантами и экспертами добросовестно, своевременно и качественно;

**зарубежные консультанты и эксперты** – международные финансовые институты и иностранные правительственные финансовые организации, ведущие зарубежные консалтинговые компании, научно-исследовательские организации, аналитические центры и «мозговые центры», а также граждане зарубежных государств и/или лица без гражданства, обладающие современными знаниями и необходимым профессиональным опытом;

**договор** – трехсторонний договор, подготавливаемый зарубежными консультантами, экспертами и организацией-заказчиком на основе анализа данных о целесообразности привлечения данного зарубежного консультанта и эксперта, требованиях к их компетенциям, задачах, перечне требуемых услуг, ожидаемых результатах, источниках и объемах финансирования услуг, планируемых процедурах приобретения услуг и других, составляющийся между зарубежным консультантом, экспертом, организацией-заказчиком и Агентством стратегических реформ при Президенте Республики Узбекистан (далее – Агентство стратегических реформ);

**необходимые условия** – полное или частичное покрытие расходов (социальный пакет) зарубежных консультантов и экспертов, связанных с медицинскими и транспортными услугами, воспитанием их детей в дошкольных образовательных учреждениях, получением ими образования в учреждениях общего среднего образования и/или высшего образования, арендой жилья в течение срока, указанного в договоре, заключенным с ними;

**Агентство стратегических реформ** – орган, координирующий процесс привлечения зарубежных консультантов и экспертов государственными органами и организациями.

## **Глава 2. Порядок привлечения зарубежных консультантов и экспертов**

**4.** Организация-заказчик привлекает зарубежных консультантов и экспертов на полную ставку или на срок реализации определенного проекта в пределах, или в дополнение к установленной численности сотрудников.

**5.** Договор с зарубежными консультантами и экспертами заключается на срок до одного года, с возможностью последующего продления этого срока. При этом в договоре отражаются задачи (в форме технического задания) и достигаемые индивидуальные ключевые показатели эффективности деятельности (KPI) (далее – KPI), подлежащие выполнению зарубежными консультантами и экспертами.

6. Ежемесячно организация-заказчик составляет акт о выполненных зарубежными консультантами и экспертами работах и оказанных ими услугах. При этом заключительный акт о всех выполненных зарубежными консультантами и экспертами работах и оказанных ими услугах подписывается по согласованию с Агентством стратегических реформ.

7. В соответствии с Налоговым кодексом Республики Узбекистан отчисления и налоги уплачиваются в установленном порядке из ежемесячных денежных вознаграждений, выплачиваемых за работу зарубежным консультантам и экспертам.

8. Материальное стимулирование зарубежных консультантов и экспертов и создание для них необходимых условий осуществляются организацией-заказчиком.

9. Назначение зарубежных консультантов и экспертов на должности государственной гражданской службы и их освобождение от должности осуществляются в порядке, установленном законодательством.

### **Глава 3. Требования, предъявляемые к зарубежным консультантам и экспертам**

10. Основными требованиями к зарубежным консультантам и экспертам являются:

а) знание иностранных языков (английского, русского и других) на необходимом уровне;

б) обладание знаниями, квалификацией и необходимыми навыками для реформирования социальной сферы, экономики и других значимых направлений;

в) наличие опыта работы в престижных международных организациях или на передовых предприятиях и в организациях зарубежных государств.

Организация-заказчик может устанавливать дополнительные требования к зарубежным консультантам и экспертам.

### **Глава 4. Источники привлечения зарубежных консультантов и экспертов и их материальное стимулирование**

11. Источниками формирования средств, связанных с материальным стимулированием зарубежных консультантов и экспертов, и созданием для них необходимых условий, являются:



средства резервного фонда Кабинета Министров Республики Узбекистан;

средства Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан;

средства внебюджетных фондов министерств, ведомств и организаций;

средства других международных организаций и международных финансовых институтов, то есть гранты и безвозмездное техническое содействие;

благотворительные пожертвования физических и юридических лиц;  
иные источники, не запрещенные актами законодательства.

**12.** Доходы и расходы средств, выделенных для зарубежных консультантов и экспертов, ведутся на отдельном лицевом казначейском счете, открываемом в Комитете казначейской службы при Министерстве экономики и финансов.

**13.** Для подтверждения целесообразности привлечения к проекту зарубежных консультантов и экспертов организация-заказчик представляет в Агентство стратегических реформ следующие документы:

а) заключение первого руководителя организации-заказчика;

б) автобиография (CV-справка), справка и портфолио практики;

в) копии дипломов и других соответствующих сертификатов;

г) сведения о работах и проектах, выполненных в предыдущие годы и имеющих отношение к реализуемому проекту;

д) план реализации проекта с привлечением зарубежных консультантов и экспертов или предложения по развитию данной сферы в случае их привлечения на полную ставку (включая анализ влияния ожидаемых результатов на стратегические программы развития и цели Республики Узбекистан);

е) рекомендация от руководства с предыдущего места работы или инициатора проекта;

ж) копии официальных документов о разрешении на привлечение организацией-заказчиком к работе зарубежных консультантов и экспертов в установленном порядке.

**14.** Процесс установления и оценки КРІ осуществляется в три этапа, и при этом организация-заказчик учитывает следующие:

а) **1-й этап.** Разработка показателей и критериев оценки:

разрабатывается четкий перечень ежемесячных задач деятельности зарубежных консультантов и экспертов, задействованных в проекте;

определяются конкретные этапы или показатели (включая коучинг сотрудников организации-заказчика), которые могут измерять стратегические цели соответствующей отрасли или проекта в течение срока действия договора;

обосновывается соответствие возможностей организации-заказчика с расчетами необходимых финансовых, технических и человеческих ресурсов (далее – необходимые ресурсы) для выполнения поставленных задач и достижения стратегических целей;

**б) 2-й этап. Регулярная поддержка и мониторинг:**

путем проведения очного собеседования с зарубежным консультантом и экспертом (или его представителем) первым руководителем организации-заказчика не реже одного раза в месяц:

осуществляется регулярный мониторинг состояния обеспеченности зарубежного консультанта и эксперта необходимыми ресурсами;

проводится анализ влияния на KPI непредусмотренных дополнительных изменений в ежемесячные задачи и стратегические цели, установленные на 1-ом этапе;

оперативно решаются ситуации, возникающие по бюрократическим или иным причинам;

**в) 3-й этап. Оценка:**

отчет об исполнении планов по достижению задач и стратегических целей, установленных на 1-ом этапе, а также о достижении KPI представляется зарубежными консультантами и экспертами ежеквартально;

отчет оценивается организацией-заказчиком на основе конкретных результатов по следующим критериям, то есть когда совокупный показатель эффективности составляет:

менее 50 процентов – неудовлетворительно. В этом случае договор, заключенный с зарубежными консультантами и экспертами, расторгается;

от 50 до 70 процентов – низкий уровень. В этом случае от зарубежных консультантов и экспертов требуются конкретные планы по улучшению показателей и на это им представляется трехмесячный срок;

от 70 до 85 процентов – средний уровень. В этом случае пересматриваются ресурсы, необходимые для реализации всего потенциала зарубежных консультантов и экспертов;

от 85 до 100 процентов – высокий уровень. При этом организация-заказчик может внести предложение о поощрении зарубежных консультантов и экспертов.

Организация-заказчик ежеквартально представляет в Агентство стратегических реформ отчет о результатах оценки деятельности зарубежных консультантов и экспертов. Данный отчет обобщается в личное дело зарубежного консультанта и эксперта.

**15.** Размер материального стимулирования зарубежных консультантов и экспертов может ежегодно пересматриваться организацией-заказчиком в зависимости от конкретного объема работ.

## **Глава 5. Права и обязанности организации-заказчика**

**16.** Организация-заказчик имеет следующие права:

привлечение зарубежных консультантов и экспертов;

определение и пересмотр размера материального стимулирования зарубежных консультантов и экспертов, принятие по результатам мониторинга решения о соответствии зарубежных консультантов и экспертов для реализации проекта;

определение конкретных показателей и целей, в том числе KPI, для зарубежных консультантов и экспертов;

осуществление постоянного наблюдения трудовой деятельности зарубежных консультантов и экспертов.

**17.** Организация-заказчик несет следующие обязательства:

соблюдение правил, установленных в договорах;

создание необходимых ресурсов и условий для выполнения задач, возложенных на зарубежных консультантов и экспертов;

ежемесячно вносить информацию о работе, выполняемой зарубежными консультантами и экспертами, в единый электронный реестр, обеспечивать его регулярное обновление.

**18.** Не допускается осуществление организацией-заказчиком каких-либо иных выплат, кроме выплат материального стимулирования, предусмотренных договором.

## **Глава 6. Права и обязанности зарубежных консультантов и экспертов**

**19.** Зарубежные консультанты и эксперты имеют следующие права:  
требовать от организации-заказчика создания необходимых условий для выполнения возложенных на них задач;

получать необходимую информацию от организации-заказчика для выполнения возложенных на них задач.

**20.** Зарубежные консультанты и эксперты имеют следующие обязательства:

добросовестное и эффективное выполнение всех обязательств, предусмотренных договором в соответствии с условиями и сроками договора;

предоставление ежемесячных отчетов организации-заказчику;

полное соблюдение условий договора.

## **Глава 7. Конфиденциальность**

**21.** В течение срока действия договора и после его прекращения зарубежные консультанты и эксперты обязаны сохранять конфиденциальность в отношении информации, полученной в ходе их деятельности, в том числе информации, полученной от организации-заказчика или от других ведомств.

Зарубежным консультантам и экспертам не разрешается разглашать такую информацию напрямую или косвенно третьим лицам без письменного разрешения организации-заказчика и Агентства стратегических реформ.

## **Глава 8. Заключительные положения**

**22.** После подписания договора зарубежные консультанты и эксперты должны получить подтверждение на право осуществления трудовой деятельности на территории Республики Узбекистан в порядке, установленном актами законодательства.

**23.** Лица, виновные в нарушении требований настоящего Положения, несут ответственность в порядке, установленном актами законодательства.

